

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИ САЙТИДА БИБЛИОГРАФИК АХБОРОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

*Алаутдинова Низора,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Библиография
маълумотлари базасини шакллантириши хизмати
бош мутахассиси*

XXI аср жамияти – ахборот жамиятидир. Ҳозирги даврда АКТ шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бунда Интернет тармоғи ўзининг алоҳида ўрнига эга. Интернет нафақат керакли маълумот олиш, балки маълумотни тақдим этиш мумкин бўлган ахборот муҳитидир. Мазкур вазифани биринчи галда интернетнинг телекоммуникацион маконига дадиллик билан кириб келган ахборот-кутубхона муассасаларининг веб-сайтлари бажаради. Улар ўзларида мавжуд бўлган библиографик ахборотларни Интернет тармоғи орқали веб-сайтда фойдаланувчиларга тақдим этишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда қуйидагиларни ахборот-кутубхона муассасаларининг сайтида акс этган библиографик ахборотларнинг асосийлари деб кўрсатиш мумкин:

- электрон каталог

Электрон каталог кутубхонанинг мавжуд фондини акс эттиради, бу эса ўз навбатида кўплаб фойдаланувчиларига кутубхона фонди таркиби ҳақида ахборот беради, маълум параметрлар бўйича қидирилаётган адабиётни тез топишга ёрдам беради. Ҳозирги кунда республикамиздаги баъзи ахборот-кутубхона муассасалари ўз электрон каталогларини кутубхоналарининг сайтида тақдим этганлар. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ахборот-кутубхона маркази электрон каталоглари, Давлат илмий-тиббиёт кутубхонасининг эса 2007 йилдан бошлаб Йиғма электрон каталог (www.medart.tomsk.ru) иштирокчиси ҳисобланишини келтириб ўтиш жоиз.

- библиографик рўйхатлар

Библиографик ахборотнинг кейинги тури бу библиографик рўйхатлар ҳисобланади. Энг аввало, булар – соҳа, мавзу ёки алиф-бо тартибига кўра гуруҳланган янги келиб тушган адабиётлар рўйхаги, муҳим саналар, бирор долзарб мавзу ёки воқеалар муносабати билан тайёрланган рўйхатлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, халқаро конференциялар, семинарлар муносабати билан тайёрлаган мавзули ёки олий таълим муассасаларига кириш учун тайёрланаётган ёшларга мўлжалланган «Абитуриентга ёрдам» каби библиографик рўйхатлар.

Янги адабиётлар рўйхатини сайтда эълон қилинишида уларни мунтазам, маълум даврийликда янгилаб туриш ва фойдаланувчиларга янгиланиш муддатини кўрсатиш тавсия этилади.

- виртуал кўргазма.

Мавзу йўналиши, мақсади, мазмуни, мўлжалланиши, фактографик ва библиографик ахборотларнинг бирикуви, дизайни электрон кўргазмаларнинг ўзига хослиги бўлиб ҳисобланади. Республика-мизнинг АКМ мисолида оладиган бўлсак. Аҳмад Фарғоний номидаги Ахборот-кутубхона марказининг виртуал кўргазма рўйхатига диққатга сазовордир. У ўзида қизиқарли, оммабоп, кўп сўраладиган ресурсларни, шунингдек, янги келган нашрлар кўргазмаларини акс эттирган. Айниқса, уларга берилган аннотация фойдаланувчилар диққатини тортади.

- Китобларнинг библиографик обзори.

Библиографик обзор – фойдаланувчига ахборотни етказиш, муайян ҳужжатларни тарғибот ва реклама қилиш воситасидир. Сайтдаги обзорлар янги келиб тушган адабиётлар, бирор мавзуга бағишланган адабиётларнинг обзоридан иборат бўлиши мумкин.

- маълумотлар базаси.

Кутубхоналар яратган маълумотлар базаси библиографик, тўлиқ матнли, фактографик бўлиши мумкин. Интернетга жойлаштирилган МБ кутубхонага келиб тушган нашрлар ҳақида кўп сонли фойдаланувчилар оммасини хабардор этади. Электрон маълумотлар базасини мунтазам, тезкорлик билан тўлдириш ва янгилаб туриш талаб этилади.

- ҳаволалар тўплами.

Интернет ресурсларига йўналтирилган мураккаб ва оддий ту-

зилмали ҳаволалар тўпламини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ҳаволалар тўплами ахборот таълимий тармок, газета ва журналларнинг on-line версияси, ўлкашунослик маълумотлари, электрон кутубхоналарга оид сайтлардан иборат бўлиши мумкин.

Кутубхона сайтларидаги библиографик ресурсларнинг қуйидаги талаблар асосида шакллантирилиши уларнинг самарадорлигини оширишга кўмак беради.

Долзарблилик – фойдаланувчиларнинг ахборот талабининг ўзига хослиги билан шартлангандир (болалар, ўсмирлар, мутахассислар, илмий ходимлар ва бошқ.)

Ўзига хослиги – электрон библиографик ресурсларнинг ўзига хослиги кутубхонанинг ижтимоий институт сифатидаги хусусиятлари билан белгиланган. Уларда мужассам бўлган ахборот фойдаланувчилар асосий тоифасининг ўзига хос ахборот талабларини қондиришга бўйсундирилган. Ушбу мезон, айниқса, мавзули ва ўлкашунослик маълумотлар базаси учун долзарбдир, чунки у мазмунан бетакрор бўлишликни тақозо этади, шунинг учун фойдаланувчилар учун юқори қийматга эга.

Тўлиқлик – библиографик ахборотнинг тўлиқлиги ҳар бир алоҳида библиографик ресурсга бўлган талабга мувофиқ белгиланади. Мисол учун, электрон каталог кутубхона фондиди максимал даражада тўлиқ акс эттириши керак. Унинг акси бу – библиографик қўлланмалар, ҳаволалар тўплами, электрон кўргазмалар тавсия ва касбий-ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, улар тўлиқ ахборот бериш вазифасини бажармайди.

Библиографик ресурслардан фойдаланиш имкониятининг қулайлиги – фойдаланувчиларнинг сайт ресурсларидан бемалол фойдалана олиши: бепул, ресурсларни сайт ичида қулай жойлашувви, кидирув имкониятини ўзига хос хусусиятлари, кидирув учун йўл-йўриқнинг мавжудлиги, оддий фойдалануви учун сайтдаги кўрсатмаларнинг тушунарли бўлиши каби имкониятлар мавжуд эканлиги билан намоён бўлади.

Библиографик ресурсларни мунтазам ва ўз вақтида янгилаб туриш – фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларига қараб ресурсларнинг долзарблилиги, қулайлиги, тўлиқлигини ва мазмунини таъминлаш учун библиографик ресурслар ассортиментини

Ўз вақтида янгилаб туриш керак. Шуниндек, янги келиб тушган нашрлар рўйхати, электрон каталог ва маълумотлар базаси ҳам аниқ бир даврийликда янгиланиб туриши талаб этилади.

Библиографик ахборотларни сайтда тақдим этилиши юқоридаги тадбирлар тарзида амалга оширилиши ахборот-кутубхона муассасасининг ресурсларига фойдаланувчилар кизиқишини ортишига, мавзу бўйича китоб ўқилиши даражаси ошишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ахборот-кутубхона муассасасининг аҳамияти ва нуфузини юқори поғонга кўтаришга хизмат қилади.

Адабиётлар

Амиров Р. Основные аспекты перехода от традиционного обслуживания читателей к электронному обслуживанию пользователей // Kutubxona.uz. – 2014. – № 2. – С. 24–25.

Атаханов М. Ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатишда Интернет тармоғидаги маълумотнома сайтлардан фойдаланиш имкониятлари // Kutubxona.uz. – 2012. – № 3. Б. 38 – 39.

Ахборот-ресурс марказларининг библиографик ишини ташкил қилиш : методик қўлланма / Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ; муҳаррир Ҳ. Маматраимова ; тузувчи Ҳ. Исломуқов. – Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – 40 б.

Глухов А. Асрлар қаъридан : жаҳондаги қадимий кутубхоналар ҳақида очерклар. – Тошкент : Ўзбекистон, 1979. – 120 б.

Туропов М., Маматраимова Ҳ. Библиография // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 2-жилд. Бешик – Гидрофизика / таҳрир хайъати М. Аминова ва бошқ. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 293–295.